БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 189 (16.575). | 13 август 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

Тошкент области. Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз меҳнаткашлари 131 гектар майдонга маккажўхори билан бир вақтда унга беда уруғи ҳам сепган эдилар. Ҳосил яхши бўлди. Шу кунларда силос учун кўкпоя ўриш қизғин давом этяпти. Суратда: ўрим пайти.

Г. Пун фотоси.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИГА КЕНГ ЙЎЛ

Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Фарғона областлари қишлоқ меҳнаткашларининг оширилган мажбуриятлари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубан ғаллакорларига ва Ростов транспортчиларига мактубини зўр шавқ-завқ билан қабул қилиб олдилар. Бу ҳужжатлар областларнинг, районларнинг меҳнаткашлари ўртасида муҳокама қилинди. Деҳқонлар ва чорвадорларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо коллективларни янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди.

Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари меҳнатда юксак муваффақиятларга эришиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўзларининг имкониятларини чамалаб кўриб ҳамда ички ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиб, бундан илгари олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар ва ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида Ватанга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш юзасидан янги марраларни белгиладилар.

ТОШКЕНТ областининг деҳқонлари давлатга илгари олинган мажбуриятдагидан 31 минг тонна кўп, яъни 101 минг тонна ғалла, шу жумладан илгари олинга мажбуриятдагидан 27 минг тонна кўп ғалла ва 4 минг тонна кўп маккажўхори дони сотишга аҳд қилдилар. Шунингдек Ватан омборига 32 минг тонна шоли топшириш мўлжаллаб қўйилди.

Областда мева ва сабзавотдан мўл ҳосил олиш учун шароит қулай келди. Далалар ва боғларнинг меҳнат аҳли мева ва сабзавот маҳсулотларидан илгари олинган мажбуриятдаги 588 минг тонна ўрнига 652 минг тонна топширишга аҳд қилдилар. Айни пайтда дастлабки мажбуриятдагига нисбатан сабзавот тайёрлаш 25 минг тонна, полиз маҳсулотлари тайёрлаш 4 минг тонна, мева тайёрлаш 34,6 минг тонна кўпайтирилади. Область хўжаликлари 54 минг тонна картошка сотади.

Область чорвадорлари ҳам илгари олинган мажбуриятдагига қўшимча қилиб давлатга 1,7 минг тонна гўшт, 8 минг тонна сут ва 2 миллион дона тухум сотишга аҳд қилиб, янги юксак марраларни мўлжалладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Краснодар ўлкаси деҳқонларига мурожаат қилиб айтган сўзлари ЖИЗЗАХ областидаги ҳар бир чўлқуварнинг кўнглига бориб етди. Ғаллакорлар, сабзаводчилар, чорвадорлар янги оширилган мажбуриятлар олишди. Давлат омборига 138 минг тонна ёки илгари олинган мажбуриятдагига нисбатан 50 минг тонна кўп ғалла топширишга аҳд қилинди. 38 минг тонна кўп буғдой ва арпа, 12 минг тонна кўп маккажўхори дони топширилади.

175 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти сотиб, аввалги социалистик мажбуриятдагидан 33 минг тонна ошириш мўлжалланмоқда. Колхозлар билан совхозлар давлатга дастлабки мажбуриятларига қўшимча қилиб 1000 тонна гўшт, уч минг тонна сутчилик фермалари маҳсулоти, 4 миллион дона тухум топширадилар.

ҚАШҚАДАРЁ областининг меҳнаткашлари Ватан омборига 158 минг тонна ғалла жўнатишни мўлжалламоқдалар, бу илгари олинган мажбуриятдагидан 68 минг тонна кўп. Маҳсулотни ошириш асосан бошоқли экинлар донини сотишни кўпайтириш ҳисобига таъминланади: ғалла қабул қилиш пунктларига 142 минг тонна дон топширилади. Маккажўхори маҳсулоти ваъда қилингандан анча кўп — 16 минг тонна бўлади.

Илгари мўлжалланганидан 25 минг тонна кўп, яъни 135 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти сотишга аҳд қилинди.

Область чорвадорлари мажбуриятга қўшимча қилиб 1000 тонна гўшт, 5 минг тонна сут, 6 миллион дона тухум сотамиз деб сўз бердилар.

ФАРҒОНА областининг қишлоқ меҳнаткашлари кубанликларнинг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан оширилган мажбуриятларни олишди. Улар илгари мўлжалланганидан 7 минг тонна кўп, яъни 28 минг тонна ғалла сотишга аҳд қилдилар. Давлат 8 минг тонна бошоқли экинлар дони ва 20 минг тонна маккажўхори дони олади.

Сабзаводчилар 214 минг тонна ёки дастлабки мажбуриятдагидан 35 минг тонна кўп маҳсулот сотишга аҳд қилдилар. 119 минг тонна ёки илгаригидан 16 минг тонна кўп сабзавот, 39 минг тонна ёки илгаригидан 14 минг тонна кўп полиз маҳсулотлари тайёрланади, шунингдек давлатга 17 минг тонна картошка, 22 минг тонна мева, 17 минг тонна узум сотилади.

Фарғоналиклар чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини сотиш юзасидан белгиланган марраларни ортиғи билан бажаришни мўлжаллаб қўйдилар. Бутун имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, ваъда қилинганидан 7 минг тонна кўп сут, 2 миллион дона кўп тухум сотиш юзасидан янги мажбурият олиб, бу соҳада айниқса салмоқли ҳисса қўшишга аҳд қилинди. Давлат 11,9 минг тонна гўшт, 64 минг тонна сут ва 77 миллион дона тухум олади.



ҚИШЛОҚ БУЮРТМАЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН, СИФАТЛИ БАЖАРАЙЛИК!

К. Е. ВОРОШИЛОВ НОМЛИ ДНЕПРОПЕТРОВСК КОМБАЙН ЗАВОДИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети шу йилги ҳосилни йиғиштириб олиш учун зарур техникани колхоз ва совхозларга муддатидан илгари етказиб бериш юзасидан қўшимча равишда олган мажбуриятларингизни зўр мамнуният билан кутиб олди. Бу мажбуриятлар барча совет кишиларининг қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқаришнинг янги резервларни ишга солишга интилаётганлигини исбот этади ва улар ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг монолит бирлигини, ўнинчи беш йиллик биринчи йили планларини муваффақиятли бажариш тўғрисида бутун халқ ғамхўрлик қилаётганлигини яққол кўрсатувчи далилдир.

Ҳосил ўрим-йиғими қизиб кетган ҳозирги пайтда мамлакатдаги қудратли аграр-саноат комплексининг ҳамма бўғинлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган барча коллективларининг бир меъёрда пухта ишлаши ғоят муҳимдир. Ана шу муҳим вазифани бажаришда машинасозлар жуда катта роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигига ҳосилни йиғиштириб олувчи техникани ва эҳтиёт қисмларни кўпроқ етказиб бериш — ўрим-йиғимни тезроқ ўтказиш, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, минг-минг тонналаб қўшимча маҳсулот олиш демакдир.

Сизларнинг ўз ваъдангизни шараф билан бажаришингизга ва қишлоқ хўжалиги учун техника ишлаб чиқараётган барча корхоналар Днепропетровск комбайнсозларидан ўрнак олишларига аминман.

Л. БРЕЖНЕВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

Азиз Леонид Ильич!

К. Е. Ворошилов номли Днепропетровск комбайн заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Сизнинг Краснодар ўлкаси меҳнаткашларига йўллаган табригингизни ифтихор туйғулари билан қабул қилиб, янгилик билан маъқуладилар. Сиз ўз табригингизда кубанликларнинг ватанпарварлик ташаббусига юксак баҳо бердингиз ва бутун совет халқи бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлайди, деб қатъий ишонч билдирдингиз.

Биз мўл ҳосил учун кураш деҳқонларнингина иши эмаслигини яхши англаймиз. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик меҳнатининг самарадорлиги ишчилар синфининг ёрдамига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Азиз Леонид Ильич, завод коллективи Днепропетровск комбайнсозлари колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш юзасидан 1976 йил 7 ойига мўлжалланган топшириқларни шараф билан бажарганликларини Сизга зўр хурсандчилик билан маълум қиладик.

Корхонамизнинг коллективи ўз имкониятларини пухта чамалаб кўриб ва 1976 йил ҳосили учун курашга конкрет ҳисса қўшиш иштиёкида ҳар бир иш ўрнида энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ишлаб чиқарилаётган техниканинг ғоят сифатли бўлишини таъминлашда мажбуриятни олади. Бу эса қишлоқ хўжалигига белгиланган топшириқларни ташкари шу йил август ойида лавлаги йиғиштириб олувчи 150 комбайн етказиб бериш имконини туғдиради.

Биз шу йилнинг август—сентябрь ойларида пландан ташқари комбайнларга камида 130 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни ҳам тайёрлаш, қанд лавлагини йиғиштириб олиш даврида қанд лавлагини йиғиштириб олувчи янги техниканинг узлуксиз ишлашини таъминлашда қишлоқ механизаторларига ёрдам бериш учун заводимиздаги юқори малакали мутахассислар группасини мамлакатнинг колхоз ва совхозларига юбориш мажбуриятини оламиз.

К. Е. Ворошилов номли Днепропетровск комбайн заводининг коллективи кубанликларнинг ташаббуси халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, барча машинасозларга муроҳжат қилади ва уларни 1976 йил ҳосилини йиғиштириб олиш учун қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмларни муддатидан илгари ва пландан ташқари етказиб бериш юзасидан оширилган мажбуриятлар олишга ва бу билан ўнинчи беш йиллик биринчи йили планини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга даъват этади.

Социалистик мажбурият умумзавод митингида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Корхона коллективининг топшириғи билан:

Завод директори А. ПОКУСА, партком секретари Д. БУШАНСКИЙ, завод касаба союз комитетининг раиси Г. ДРУЖИНИН, комсомол комитетининг секретари В. БУГАЕВ.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри

ўртоқ Фидель КАСТРО РУСга

Азиз ўртоқ Фидель Кастро!

50 ёшга тўлган кунингизда КПСС Марказий Комитети, барча совет коммунистлари Сизни астойдил табриклайдилар ва энг эзгу қардошлик туйғуларини изҳор этадилар.

Ўртоқ Фидель, Сизнинг мард революционер — Монкада, «Гранма», Сьерра-Маэстра қаҳрамони эканлигингизни, халқларни империалистик зулм, эксплуатациядан халос қилиш учун изчил курашчи, Кубада социалистик қурилишнинг атоқли ташкилотчиси эканлигингизни яхши билган барча совет кишилари ҳам шу туйғуларни изҳор этадилар. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, совет коммунистлари Сизнинг тинимсиз фаолиятингизни халққа садоқат билан хизмат қилишнинг, коммунистик идеалларга, мўътабар интернационал бурчга содиқликнинг яққол мисоли деб ҳақли равишда ҳисоблайдилар.

Социалистик Кубанинг Куба коммунистлари 1 съездида яққол намойиш қилиб кўрсатилган муваффақиятларини Сизнинг меҳнатингиздан, жўшқин ғайратингиз ва собитқадамлигингиздан ажратиб бўлмайди. Биз ҳаммамиз Сизнинг Совет — Куба дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришга, социалистик давлатлар ҳамдўстлигини жипслаштиришга, халқларнинг империализм ва реакцияга қарши, ўз миллий ва социал озодлиги учун курашига қўшган ҳиссангизни юқори баҳолаймиз.

Сиз 50 йил яшаб, шундан салкам ўттиз йилини революцион курашга бағишладингиз — бундай юбилей билан, бундай ҳаёт йўли билан ҳар қандай коммунист ва революционер ҳақли равишда фахрлана олади. Куч-қувватга тўлиб, қобилиятингиз барқ уриб турганини кўриб қувонамиз. Сизнинг революцион шижоатингиз, тажрибангиз ва билимингиз ҳали кўп йиллар давомида Куба халқининг бахт-саодатига, дунёни революцион тарзда ўзгартириш ишига хизмат қила беради.

Коммунистик салом билан

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, КУБА РЕСПУБЛИКАСИ РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИНИНГ БОШ МИНИСТРИ ЎРТОҚ ФИДЕЛЬ КАСТРО РУСНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР билан Куба Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги буюк ролини, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлигини тақдирлаб ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель **Кастро Рус Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил, 12 август.

Л. И. БРЕЖНЕВ Т. ЖИВКОВ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР давлат кенгашининг Раиси Т. Живков билан 11 август куни Қримда дўстона учрашди.

Л. И. Брежнев билан Т. Живков ўртоқлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездининг ва Болгария Коммунистик партияси XI съездининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Улар Совет — Болгария ҳамкорлиги партия, давлат ҳамда жамоат йўли билан изчил ривожланаётганлигидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Совет Иттифоқида ва Болгария Халқ Республикасида коммунистик ва социалистик қурилиш планларининг муваффақиятли рўёбга чиқарилаётганлиги ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳар икки мамлакат ўртасида қадам-бақадам яқинлашиш жараёнини кучайтириш учун яхши шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Л. И. Брежнев билан Т. Живков ўртоқлар актуал халқаро проблемаларни муҳокама қила туриб, Хельсинкида олий даражада ўтказилган кенгаш тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик принциплари асосида Европада давлатлар ўртасидаги муносабатларни тубдан қайта қуриш жараёнини бошлаб берганлигини таъкидладилар. Эндиликда кенгашнинг ҳамма қатнашчилари ўзлари эълон қилган тарихий мақсадларни тўла юзага чиқариш учун куч-ғайратларини оширишлари, айниқса мухимдир. Совет Иттифоқи ва Болгария бунга зўр ғайрат билан кўмаклашишга қатъий аҳд қилгандирлар.

Европа коммунистларининг Берлин конференцияси ўртага қўйган платформа Европада тинчлик, дўстлик ва тараққиёт йўлида курашаётган барча сиёсий кучлар учун қудратли таянч бўлиб хизмат қилади, деган ишонч изҳор этилди.

Л. И. Брежнев билан Т. Живков ўртоқларнинг учрашуви самимийлик, яқдиллик ва қардошларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Янги ўқув йили яқинлашиб қолмоқда. 3 миллион 600 мингдан зиёд ўқувчи 1 сентябрь куни умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида парталарга ўтиради. 370 минг бола биринчи синфларда ўқишга киришади.

Ўқув йилига яхши тайёргарлик кўриб, уни уюшқоклик билан бошлаш, таълим-тарбия жараёнининг юксак даражада бўлишини таъминлаш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органларининг, халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими ходимларининг энг муҳим вазифасидир.

12 август куни Узбекистон Компартияси Марказий Комитети уюштирган кенгаш ана шу масалаларга бағишланди. Кенгаш ишида область партия комитетларининг секретарлари, республикадаги бир қанча министрликлар ва идораларнинг, қурилиш ташкилотларининг, Маориф министрлигининг, Узбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раҳбарлари, республика Госпланининг, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Сўнгги вақтларда республикада КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ халқ маорифини такомиллаштириш, ҳунар-техника билим юртларини ривожлантириш, таълим-тарбия ишлари даражасини ошириш соҳасида кўп иш қилинди. Унинчи беш йилликнинг биринчи йилида 160 минг ўринли умумий таълим мактабларини ва 12 минг ўринли ҳунар-техника билим юртларини қуриб, фойдаланишга топириш мўлжаллаб қўйилди. Мактаблар ва билим юртларини ремонт қилиш, ўқув кабинетлари ва устахоналарни ташкил этиш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ниҳоясига етай деб қолди. Ўқув юртларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш тугалланди.

Кенгаш қатнашчилари ана шуларнинг ҳаммасини таъкидлаш билан бир қаторда мактабларни ва билим юртларини янги ўқув йилига тайёрлаш соҳасида ҳали ҳам мавжуд бўлган камчиликлар тўғрисида гапирдилар. Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Самарканд областларида ва бир қанча бошқа областларда янги ўқув юртларини қуриш соҳасидаги қолокликка йўл қўйилиб бўлмаслиги таъкидлаб ўтилди. Қурилиш ташкилотлари, Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети мактаблар ва билим юртларини ўз вактида қуриш, ремонт ишларини сифатли ўтказиш учун бутун чораларни кўрмаяптилар. Ўқув юртларини тегишли асбоб-ускуналар ва инвентар билан таъминлаш тўғрисида ҳамиша етарли ғамхўрлик қилиняпти деб бўлмайди.

Ана шу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдаги камчиликларни қиска вакт ичида тугатиб, янги ўқув йилига тайёргарликни жуда соз тугаллаш зарур.

Кенгашда болалар ясли-боғчалари қуриш суръатларини жадаллаштириш, мактабгача жамоат тарбиясини янада яхшилаш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Кенгашда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутк сўзлади.

Кенгаш ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ: НАМАНГАН — АНДИЖОН

Наманган пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ҳар икки область ўртасидаги социалистик мусобака шартларининг бажарилишини текширмоқ учун пахта йиғим-терими арафасида Андижон областига келди.

Наманганликлар Андижон областидаги 12 та районнинг ҳаммасидаги хўжаликларда бўлдилар.

Ўзаро текшириш бригадаси деҳқончиликнинг юксак маданиятига эришган андижонлик пахтакорларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. Шу билан бирга улар Избоскан, Ленин, Пахтаобод районларидаги айрим хўжаликларда ғўза парвариши соҳасидаги бир қанча камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Қўшнилар аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Андижонликлар эса ана шу нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан дарҳол конкрет чоралар кўра бошладилар.

(ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ЖИЗЗАХ, 12 август. (ЎзТАГ). Жиззах область партия комитети идеология ходимларининг область кенгашини ўтказди. Кенгаш қатнашчилари партия ўқуви ва меҳнаткашларга иқтисодий билим беришнинг аҳволи ҳамда КПСС XXV съезди талаблари асосида уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида область партия комитетининг секретари С. А. Нишоновнинг докладини муҳокама қилдилар.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Германия Демократик Республикасининг СССРдаги савдо вакили К. Энкельманн ва Лейпциг ярмаркасининг бош директори Ф. Вонзак Узбекистон хаёти билан танишдилар.

К. Энкельманн ва Ф. Вонзак 12 август куни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин билан учрашиб, у билан дўстона суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

В. И. Ленин тўла асарлар тўпламы бешинчи нашрининг 24-томини «Узбекистон» нашриёти ўзбек тилида чоп этди. Томни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти таржима қилган. (ЎзТАГ).

САБЗАВОТКОРЛАР ҲИММАТИ

ТОШКЕНТ. («Совет Узбекистони» мухбири). Тошкент районидаги Навоий номли колхоз азаматлари КПСС XXV съезди ҳамда Узбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, самарадорлик ва сифат беш йиллигининг дастлабки йилида улкан меҳнат зафарларини қўлга киритаётирлар. Улар беш йиллик режаларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилишган. Хўжалик меҳнат аҳли куни кеча давлатга сабзавот, картошка, мева сотиш йиллик планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти беришди. Давлатга пландаги 1300 ўрнига 1326 тонна картошка, 6095 тонна ўрнига 6122 тонна сабзавот етиштириб берилди. Колхоз боғбонлари пландаги 305 тонна ўрнига 641 тонна мева етказиб бериб, йиллик планни 210 процентга адо этишди.

Хўжалик меҳнатчилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 600 тонна картошка, 4 минг тонна сабзавот, 300 тонна хўл мева етказиб беришга аҳд қилишди. Улкан зафарларни қўлга киритишда Саъдулла Рўзиев, Иноят Абдувалиев, Абдулазиз Абдуазимов, Юсуф Исломов, Аҳмаджон Қорабоев бошлиқ бригада аъзолари улкан ҳисса қўшдилар.

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Қимматли маслаҳатлар

Ери ерига, дили дилига туташ икки қўҳна воҳа — Самарканд ва Бухоро области деҳқонлари кўп йиллардан буён меҳнатда мусобақалашиб келадилар. Мусобака халқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда йилдан йилга муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинчи беш йилликнинг дастлабки йилида Бухоро областининг дала меҳнаткашлари она-Ватанга 515 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорва маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилишган. Мусобакадош Самарканд областининг ўзаро текшириш бригадаси Бухоро области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1976 йилда кабул қилинган социалистик мажбурият шартларини қандай бажараётганликлари билан танишдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йил Бухоро области далаларида ўтган йилгидан анча кўп кўчат ҳосил қилинди, ҳар гектар ерга ўртача 120-130 минг туп кўчат тўғри келади. Вобкент, Ғиждувон, Свердлов, Ромитан районларидаги кўпчилик хўжаликларда ғўза ниҳолларининг авжи анча яхши, Айниқса, Вобкентдаги «Зарафшон», Калинин номли, Ромитандаги «Узбекистон», Шофиркондаги Иброхим Мўминов номли, Ғиждувондаги Энгельс номли, «Коммунизм», Қоракўлдаги «Правда». Олотдаги «Ленинград» синглари колхозларда ғўза парвариши тузук ташкил этилган.

Бироқ областнинг барча хўжаликларида ҳам аҳвол бир хил деб бўлмайди. Ҳозирги кунда областда 30 минг гектар ердаги ғўза ниҳоллари парваришдан оркада колган. 11 минг гектар майдондаги ғўза чанқатиб қўйилган.

Область ҳеч қачон бунчалик кўп сув олган эмас. Шунга қарамасдан Бухоро, Қизилтепа, Навоий, Ромитан, Когон районларининг ҳар бирида 3-4 минг гектардан ердаги ғўзалар парваришдан оркада қолиб кетаётганини, ғўзаларни бегона ўтлар босаётганини, нормадагидан кам ҳосил тўпланганини асло кечириб бўлмайди. Бу районларда сувчиларнинг, механизаторларнинг иши устидан етарлича контроль қилинмайди.

Қоракўл районидаги Горький номли, Ғиждувондаги «Пахтаобод» колхозларида ғўзани бостириб суғориш фактлари учратилди. Кўпчилик хўжаликларда область уста сувчиларининг илғор тажрибаси кенг ёйилятти ва оммалаштирилятти, деб бўлмайди. Хўжалик рахбарлари суғориш устидан назорат қилмай, уни ўз қолига ташлаб қўйганлар. Ғиждувон, Қизилтепа, Бухоро, Когон районларининг талай майдонларидаги ғўзаларда кўсак қурти ғаркалаётганлиги аниқланди. Кўпчилик хўжаликларда чеканка асоссиз равишда кечиктирилиб юборилятти.

Мусобақадошлар область хўжаликларида сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш, ем-хашак жамғариш иши билан ҳам қизиқдилар. Кўпгина районларда маккажўхоричиликка эътиборсизлик билан қаралаётганлиги, Томди, Қизилтепа ва бошқа айрим районларда чорва моллари учун дағал хашак тайёрлаш қониқарсиз эканлигини таъкидлашди.

Ўзаро текшириш якуни Бухоро область партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида атрофлича муҳокама қилинганда, мусобакадошларга катта ваъдалар берилган эди. Аммо, улар кетгач, ваъдалар унутиб қўйилди. Дала ишлари ўлда-жўлда ётибди.

Ҳ. ҚОДИРОВ.
«Совет Узбекистони» мухбири.

САНОАТ—1976 ЙИЛ ҲОСИЛ МАВСУМИГА

БОШ КОНВЕЙЕРДА ЎН МИНУТ

РЕПОРТАЖ

К. Е. Ворошилов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводининг бош конвейеридамиз. Бу ерда Тошкент трактор заводида тайёрланган «Белорус» тракторлари бир ёқдан кириб, иккинчи ёқдан «зангори кема» қиёфасида чиқиб кетяпти.

Корпуснинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган йўл доим ҳаракатда. Унда пахта териш учун мослаштирилган тракторлар турна катор тизилишиб турибди. Узун «хартум»ларида қар хил асбоб-ускуналар, механизм ва аппаратлар ташиётган кўприксимон осма кранлар йиғувчи слесарларнинг қўкмига итоатлик билан бош эгялти. Ҳамроҳимиз, завод бош инженери В. И. Макашёв бизга конвейердаги ишлар ҳақида йўл-йўлакай сўзлаб бормоқда.

— Бу ерда иккита конвейер борга ўхшайди, шундайми? — сўрадик механизмларнинг гувуллаган товушидан босилиб кетаётган овозимизни баланд-латиб.

— Ҳа, цех икки қисмдан иборат. Бош конвейер ва кичкина конвейер. Иккисининг ҳам ўз вазифаси бор. Кичкина конвейерда пахта териш машинасининг ишчи аппаратлари йиғилади. Бош конвейерда барча аппарат ва ускуналар бир рамага маҳкамланади. Қарабсизки, кўз олдингизда «зангори кема!».

Биз цех участкалари бўйлаб юришда давом этдик. Чап томондаги табло-графикларда қилинаётган барча ишлар ҳажми, чиқаётган машиналар сони минут сайин электр ёзувда қайд этилиб турибди. Ўн бир участкадан иборат марказий конвейернинг «Белорус» тракторини демонтаж қилиш станциясида тўхтадик. Бу ерда тракторнинг қанотлари, руль колонкаси, прицеп гуткичлари ва қўшимча вазн юклари олиб ташланяпти. Олд томондаги қилдирак эса тракторнинг оғтига ўрнатилмоқда. Монтаждан чиққан трактор рама йиғув станциясига келади. Бу ерда пахта териш аппаратлари учун рама ва қўшимча таянч қисмлари қўйилади. Осма аппаратлар станциясида ишчи барабаннлар, таянч пружиналар, кардонларни йиғиш ишлари тўла бажарилгач, машина гидравлик ускуналар станциясига ўтади. Бу станцияда сув ва ёнилги йўллари, насос, бункерни автоматик ағдарувчи кичик цилиндр тезда йиғилиб, навбатдаги хаво қурилмалари станциясига узатиляпти. Монтаж пунктида вентиляторлар, хаво ҳосил қилувчи органлари ҳаракатлантириб турувчи тасмалар ўрнатилади.

— Мана, кўриб турибсиз, тайёр машина, — деди бош инженер сўнгги станция олдида тўхтаб. — Бу ерда унга «пўлат этак» — бункер қўйилади. Синовдан муваффакиятли ўтгач, тўғри пахтазорга-бободехқон кўмагига, теримга шайланиб турган механизаторларимиз ҳузурига йўл олади. Баъзиларини олдинги йилларгаги каби Бозорбой Нурматов, Аҳмаджон Валиев, ака-ука Шодиевларга ўхшаш донгдор механизаторларимизнинг ўзлари ҳайдаб олиб чиқиб кетишади.

Владимир Ивановични тинглар экамиз, станциялар бўйлаб қўлма-қўл ўтиб келаётган барча занжирли жараёнларга яна бир бор узоқдан нигоҳ ташладик. Биз юқорида уларни ғоят оддий, ғоят содда қилиб айтдик. Аслида буларнинг ҳаммаси юзлаб йиғувчи слесарларнинг пешона тери, ақлзаковати, касбга бўлган меҳр-муҳаббати туфайли бунёд этиляпти. В. Назадзе, Б. Нурматов, Б. Идрисхўжаев, М. Ситников сингари йиғувчи-слесарлар машина қисмларини тез ва сифатли йиғишда алоҳида ғайрат кўрсатишяпти. Уларнинг фидойилиги билан ҳар куни 27-28 ўрнига 30-32 тадан терим машиналари ишлаб чиқарилмоқда ва пешма-пеш қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил қилишга жўна тиляпти.

— Заводимиз машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Кубань ғаллакорларига юборган мактубини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдилар.— Суҳбатни давом эттирди В. И. Макашёв. — Мамлакатимиз меҳнаткашларини қўллаб-қувватлашга даъват этган бу мактубнинг бир чеккаси биз, машинасозлар олдига ҳам катта вазифани қўйишини яхши биламиз. Ҳозирги кунда корхонамизда социалистик мусобака ҳар қачонгидан авж олдириб юборилди. Меҳнат унумдорлиги куч сайин ошиб боряпти. Янги техника ва технология ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Йил охиригача 8 минг дона турли маркадаги терим машиналари тайёрлаш мажбуриятини олдик. Бу ўтган беш йилликнинг якучловчи йилида ишлаб чиқарилганидан 400 дона кўпдир.

Машинасозларимиз ўртасида рационализаторлик ва ихтиночилик ҳаракатига қизиқиш катта. Улар бу йил бундай тақлифлардан 500 минг сўмлик иқтисодий самара кўришни кўзлаб турибдилар. Хозирги ва бу — салкам 250 минг сўмни ташкил этиб қолди. Шунингдек, 1 миллион 350 минг киловатт соат электр, 2,5 гекалория иссиқлик энергиялари ва кўплаб бошқа хил хом ашёлар тежамоқчимиз.

— Ўнинчи беш йилликда ўтган беш йилликдагига нисбатан анча кўп машина тайёрланса керак-а? — сўрадик.

— Шубҳасиз. Тўқкизинчи беш йилликда 35 мингдан зиёд такомиллаштирилган, мукаммал турли хил қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилгандик. Шундан 16 минг 100 донаси тўрт қаторли терим машиналари эди. Бу беш йилликда тайёрланадиган машиналар сонини ҳозирдан айтиш қийин. Чунки, ишлаб чиқариш йил сайин ошиб боради. Лекин шу нарса аниқки, ўтган йили турли маркада 7600 дона машина ишлаб чиқарилган бўлса бу йил бу рақам 8 мингга, 1980 йилга бориб, 11 минг донага етади.

— Сўнгги пайтларда корхона ҳаётида юз берган энг муҳим янгиликлардан қай бирини айта оласиз?

В. И. Макашев бизнинг бу саволимизни тезда тушунди-да, кулиб давом этди:

Олдинги йиллар «17 ХВ-1,8», «ХН-3,6» терим машиналарининг бир группасига автомат шпинделлар ўрнатиб, республикамизнинг деярли барча областларида синаб кўрдик. Яхши ўтди. Бу йилдан бошлаб бундай шпинделларни ҳамма машиналарга ўрнатяпмиз. Уларнинг афзаллиги шундаки, агар образли қилиб айтадиган бўлсак, таркибли автомат шпинделлар «зангори кема»нинг ҳаракатдаги янги «қўл»ларидир. Илгариги шпинделлар ҳаракатсиз, эгик панжаларни эслатарди. Бунинг устига тиш оралари тез-тез ифлосланиб қолиб, терим унумига салбий таъсир қиларди. Тиш оралари тозаланиши учун машина тўхтатилар ва у анча вақтгача ювиларди. Янги таркибий шпинделларимизнин

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

АЛМАШЛАБ ЭКИШ ХОСИЯТИ

Она-ер сийнаси бебаҳо бойликлар хазинасидир. Унинг «тили»ни билиб муомала қилинса, талабига қараб иш тутилса, ўз саховатини аямайди. Вақтида юмшатилса, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириб борилса, суғорилса, ортиқча толиқтириб қўйилмаса, хоҳлаганча мўл ҳосил ола бериш мумкин. Бинобарин, партия-ҳукуматимиз кейинги йилларда тупроқнинг унумдорлигини тинмай ошириб бориш масаласига катта эътибор бермоқдалар.

Маълумки, хўжаликлар давлат томонидан замонавий техника, минерал ўғитлар, хилма-хил гербицидлар билан тобора кўпроқ таъминланмоқда. Бу колхоз-совхоз ишлаб чиқаришида катта ўзгариш ясамоқда. Лекин, очиғини айтганда, бир майдонга ҳадеб пахта экилаберилганлиги сабабли тупроқнинг физик-кимёвий хусусиятлари ёмонлашиб кетяпти. Бунинг оқибатида ўсимликнинг ривожланиши учун муҳим омил бўлган тупроқдаги фойдали микроэлементлар фаолияти сусайиб бораверади, вилт ва бошқа хил касалликлар авж олади.

Мисол учун шуни айтиш кифояки, 60-йиллар охирига келиб олдинлари ҳосилдорлик жиҳатидан Норин районида пешқадам хўжаликлардан саналган, ҳар гектар ердан 35 центнергача етказиб ҳосил олинган бизнинг колхозимизда пахта етиштириш камайиб кетди. 1969 йилда ҳосилдорлик кўрсаткичи ҳар гектар ҳисобига 26 центнерданга тушиб қолди.

Халқимизда: «Ерни боқсанг — элни боқади», — деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, буни кўп йиллик деҳқончилик тажрибаси исботлаб келяпти. Бу, КПСС XXV съездининг қарорларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. 1976—1980 йилларда СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида ҳам шу хусусда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб берилди. Жумладан, унда: **«Пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш ниҳоясига етказилсин»**, дейилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан алмашлаб экишнинг ҳамма далаларда жорий этилиши ҳақида қабул килинган қарорда ҳам бу соҳадаги навбатда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ҳамма жойда бўлганидек, колхозимизда ҳам сўнгги йилларда алмашлаб экишни жорий этиш юзасидан бир мунча ишлар қилинди. Биз бу ишни бошлашга киришишдан илгари деҳқончиликдаги бу муҳим агротехник тадбир аҳамиятини, уни жорий этиш йўл-йўриқларини мутахассислар, тажрибали деҳқонлар иштирокида атрофлича ишлаб чиқдик ва навбатдаги режаларни белгилаб олдик.

Хўш, алмашлаб экиш нима? Бу — тупроқнинг хилига, хўжаликнинг шароитига, сув, минерал ва органик ўғитлар, техника билан қай даражада таъминланганига қараб, маълум йиллар ичида бир ерда экинларни планли равишда ўрин алмаштириб туриш, демакдир. Алмашлаб экиш, биринчидан хўжаликларда барча тармоқларнинг бир хилда ривожланишини таъминлайди, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари рентабелли бўлади. Иккинчидан, уни жорий этган колхоз ёки совхоз ўзининг аниқ перспектив планига эга бўлади.

Лекин бу муҳим агротехник тадбирни қўлланишнинг қатъий схемаси ишлаб чиқилмаган ва бунинг иложи ҳам йўқ. Чунки, ҳар бир хўжаликнинг географик жойланиши, экин майдонларининг тузилиши ҳар хил. Биз ҳам маҳаллий шарт-шароитни ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, жами 1400 гектар экин майдонининг 1368 гектарини алмашлаб экиш схемасига киритиш мумкин экан. Қолган 32 гектарида боғ, токзор жойлашганлиги учун бу тадбирни қўллаб бўлмайди.

Биз 1368 гектар майдонни 5 та массивга бўлиб чиқдик, ҳар бир массив ўз навбатида 10 талан далага ажратилди. Катта йўллар, канал, ариқ ва аҳоли яшайдиган пунктлар массивларнинг чегараси учун асос қилиб олинди.

Ҳозир ҳар бир массивда 240 гектардан 260 гектаргача ер бор. Ҳар бир даланинг ўртача майдони массивнинг умумий майдонига қараб 22-35 гектарни ташкил этади. Шуниси характерлики, алмашлаб экишнинг бу схемасини жорий этиш учун колхоз бирор сўм ҳам харажат қилмади. Негаки, бу лойиҳани амалга ошириш жараёнида колхозимиз территориясидаги сув шохобчалари, суғориладиган карталар, қишлоқ ичкарисидаги йўллар, аҳоли яшайдиган пунктлар ўз ўрнида қолди, бир жойдан иккинчи жойга кўчирилмади.

Ўрни келганда яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир хўжалик алмашлаб экиш схемасига шароит тақозоси билан қисман ўзгартиш киритиши ҳам мумкин. Масалан, колхозимиз қишлоқларини қайта қуриш бош планига мувофиқ Мирсултончек ва Хўжақишлоқларда яшовчи аҳолиний ҳам колхоз марказига уланиб кетган янги уй-жой массивларига кўчиряпмиз. Шу ҳисобдан 3 гектар ер 5-массивга қўшиляпти.

Деҳқончилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, деҳқонларимиз азалдан алмашлаб экиш масаласига жиддий аҳамият бергани-ликларининг гувоҳи бўламиз. Улар, асосан, пахта ҳосилдорлигини ошириш, тупроқ донадорлигига эришиш, турли хил касалликларга қарши курашда пахта-беда алмашлаб экиш усулини қўллаганлар. Ерни тозалашда, тупроқнинг структурасини яхшилашда беда пахтага кўмакчи ҳисобланади. Деҳқонлар ўртасида пахта-беда эгизак, деган гап юришининг боиси ҳам шуида.

Биз алмашлаб экиш системасини асосан 1971 йилдан қўллашга киришган эдик. Ўша йили ҳар бир массивдан биттадан далани бедапояга айлантирдик. Ҳаммаси бўлиб 150 гектар ерга беда уруғи сепдик.

Аммо бу усулни дуч келган ерда қўлламадик. Пахта ҳосилдорлиги ниҳоятда пасайган, 150 процент миқдорида вилт тарқалган 2, 10, 11, 16-бригадаларнинг экин майдонларида бу жорий этилди.

Агротехникадан маълумки, беда уч ёшга етмагунча, уғун илдиз отмайди ва ерда унчалик кўп ғозот тўпламайди. Шунинг учун ҳам биз шу муддат ўтганидан кейингина бедапоялар ўрнини ўзгартиряпмиз. 1974 йилга келиб массивлардаги бедазорга айлантирилган далалар сони иккитаданга етди. 1976 йил охирига келиб бедазорлар қисман массивларда учтадан далани ташкил этади. Бошқачасига айтганда, алмашлаб экишнинг 10 далали 3х7 схемаси қатъий қарор топади.

1973 йил кузида 100 гектар, 1974 йилда яна 100 гектар, 1975 йилда ҳам 100 гектар пахта майдони бедапоя билан ўрин алмашди. Ҳозир 240 гектар ерда беда-маккажўхори етиштиряпмиз. Шу йил кузга бориб пахтадан толиққан 150 гектар ер бедапояга айлантирилади.

Тўққизинчи беш йилликда колхозимизда пахтачиликни ривожлантириш йўлида диққатга сазовор ютуқларга эришилди. Шу даврнинг ўзида ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 5 центнер оширилди, ялпи пахта миқдори ҳам анча кўпайди. Умуман, пахта тайёрлаш юзасидан беш йиллик планни тўрт йилдаёқ бажариб қўйдик. Ана шу даврнинг ўзида она-Ватанга кўзда тутилган 13900 тонна ўрнига 20 минг тоннадан ошириб пахта бердик.

Йил анча мураккаб келган бўлсада, ўтган йилги ҳосилимиз бўйича ҳар гектар ер ҳисобига кўтарилган «оқ олтин» ҳосилимиз 36 центнерданга етди. Қатор бригадаларимиз ҳар қачонгига қараганда ҳам мўл ҳосил йиғиштириб олдилар. Икромжон Турғунов, Ортиқ Пўлатов, Бердиқул Толипов, Салимжон Исломов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳар гектар ердан 38-41 центнердан хирмон кўтарилди.

Албатта, бу муваффақиятларда комплекс механизациялаш, пахтанинг серҳосил, вилтга чидамли навларини экишга ўтилганлиги муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга, алмашлаб экиш системасининг жорий этилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олдинлари вилтдан ниҳоятда зарар кўрган, ҳосилдорлик кескин пасайиб кетган ерлар бедапоялар билан ўрин алмашганидан кейин қувончли натижалар берди, етиштирилаётган пахта кўпайди.

Алмашлаб экиш ҳосияти туфайли чорвачилигимиз қўлоқликдан чиқди. Ўтган йилнинг ўзида 3200 тонна силос, 1200 тонна дағал хашак тайёрланди. Ем-хашак базасининг мустаҳкамлиги қишлоннинг муваффақиятли ўтишини таъминлади. Ҳар бош сигирдан 2 минг килограммдан сут соғиб олинди. Умуман, чорвачиликдан 74365 сўм соф фойда олинди.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида колхозимиз аъзолари ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олишган. 1166 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бергانмиз. С. Исломов, О. Пўлатов, И. Турғунов, Б. Толипов ўртоқлар бошлиқ бригадалар коллективлари ҳар гектар ердан 50 центнердан ва ундан ҳам юқори ҳосил етиштиришга сўз берган.

Шу кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори асосида ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан пахта йиғим-теримига пухта тараддуд кўряпмиз.

Биз бундан буён ҳам пахта ҳосилдорлигини ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири бўлган алмашлаб экишга эътиборни кучайтираверамиз.

А. РАҲМОНОВ,
Норин районидаги «Победа» колхозининг раиси.
О. БОТИРОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.
Р. ҲАЙИТОВ,
колхоз бош агрономи.

ПАХТАКОР ВА ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР

● **ПАХТА-БЕДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ ЭКИНЛАРДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ, СОРТНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ ВА ЭНГ МУҲИМИДИР. АЛМАШЛАБ ЭКИШ СХЕМАСИГА КИРИТИЛАДИГАН ЭРТАГИ ВА ЎРТАГИ ЭКИНЛАРДАН БЎШАГАН ЕРЛАРНИ ШУ КУНЛАРДА ШУДГОРЛАБ ҚЎЙИНГ.**

● **АЛМАШЛАБ ЭКИШ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ХЎЖАЛИКЛАРДА ЧОРВА МОЛЛАР ОЗУҚА БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ, ГЎШТ, СУТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШ КЎПАЯДИ, ТАННАРХ АРЗОНЛАШАДИ, РЕНТАБЕЛЛИК КУТАРИЛАДИ.**

● **ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ЯҚИНДА МАТБУОТДА ЭЛЛОН ҚИЛИНГАН ҚАРОРИ АСОСИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИНГ, ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАРАДДУДНИ АВЖ ОЛДИРИНГ. КЕЛГУСИДА ПАХТА-БЕДА АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҲОЗИРДАН МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТИНГ.**

● **ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШНИ АВЖ ОЛДИРИБ, ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ СОЗ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРЛАНИНГ!**

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КУЧ-ҒАЙРАТНИ БИРЛАШТИРИБ

ПРАГА. Уч мамлакат — СССР, Чехословакия ва Венгрия конструкторлари шаҳар атрофида қатнайдиган моторли поезднинг янги хилини яратиш учун куч-ғайратларини бирлаштириб, бўлажак экспресснинг янги нусхасини тайёрлаш соҳасидаги ишларни асосан тугалладилар. Пльзень шаҳридаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик комбинати келгуси йилда ана шу дизель поезднинг дастлабки уч нусхасини ишлаб чиқаради.

ҲОСИЛ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНДИ

БУДАПЕШТ. Венгрия қишлоқларининг меҳнаткашлари бешинчи беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор меҳнатлари билан нишонламоқдалар. Улар бошоқли дон экинлари ҳосилини жуда қисқа вақт ичида ва сифатли қилиб йиғиштириб олдилар. 1,7 миллион гектар майдондаги буғдой, жавдар, сули ва арпа ўриб-йиғиб олинди. Давлат омборларига уч миллион тоннадан зиёд буғдой топширилди. Давлатга ғалла сотиш давом этмоқда.

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

СОФИЯ. Рус тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсида машғулотлар тамом бўлди. Бу ерда умумий таълим мактабларидагина рус тилини ўрганиш билан чекланиб қолинмаётир. Болгария Халқ Республикасида рус тили шу қадар шуҳрат топдики, ҳамма дарслар рус тилида ўтказилаётган ўқув юртларининг сони тўхтовсиз ортиб бораяпти. Ҳозирги вақтда Болгария Халқ Республикасида 12 рус гимназияси ва олти билим юрти бор. Буларда 7 минг бола шуғулланмоқда. 1975—1976 ўқув йилида Болгария йигит ва қизларидан бир минг киши рус тилида ўрта маълумот олди.

КУБА БЕШ ЙИЛЛИГИНИНГ ОДИМИ

ГАВАНА. Куба экономикаси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республика меҳнаткашлари Куба Компартияси тарихий I съезди қабул қилган программани — 1976—1980 йилларда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш программасини бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Кубадаги энг йирик Орьенте вилоятининг маъмурий маркази Сантьяго-Де Куба бинокорлик материаллари саноати ходимлари йилнинг биринчи ярми топшириғини 127 процентга етказиб бажардилар. Сагуа-Де-Танамодаги қурилиш блокларини ишлаб чиқарувчи комбинат коллективи эса йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин ой олдин бажарди ва ҳозирги кунда беш йилликнинг келгуси йили ҳисобига ишламоқда.

(ТАСС).



МОНГОЛИЯ. Республиканинг граждан авиацияси мамлакатдаги 170 шаҳар ва аҳоли пунктларига хизмат кўрсатмоқда. Суратда: пойтахтдаги «Буянт-Уха» аэропорти.

Монцамэ — ТАСС фотоси.

СССР ВА ЖАҲОН

ҲАМКОРЛИК

Венадаги савдо тармоқлари рўйхатига «Асотра» номи киритилди. Қайтадан ташкил этилган Совет Иттифоқи — Австрия экспедиция жамияти шундай деб номланди. Уни Совет Иттифоқининг «Союзвнештранс» ташқи савдо бирлашмаси ва Австриянинг «Данзас», «Экспресс» ва «Панальпина» бирлашмалари тузишди.

Совет — Австрия аралаш фирмасининг тузилиши иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши турган гап. Кейинги икки йил ичида СССР ва Австрия ўртасидаги маҳсулот обороти анча ўсди, 1973 йили маҳсулот обороти 180 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1975 йилга келиб у 445 миллион сўмга етди.

СССРга Австриядан турли замонавий машиналар, саноат асбоб-ускуналари, кемаларни олиб келиш анча ўсди. Бу давлатнинг пойафзали, кийим-кечаги ва бошқа кенг халқ истеъмол буюмлари ҳам мамлакатимизга кўплаб етказиб берилмоқда.

Ўз навбатида Совет Иттифоқи Австрияга нефть ва нефть маҳсулотлари, газ, маъдан материаллари, кимёвий маҳсулотлар етказиб бермоқда. СССРнинг енгил автомашиналари, металл қирқувчи станоклари Австрияда шуҳрат қозонмоқда.

Совет Иттифоқи билан Австрия ҳамда Европадаги бошқа мамлакатлар билан маҳсулот обороти ўсиб борган сари транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш системасини тубдан яхшилаш кераклигини тажриба кўрсатди. «Асотра»нинг вазифаси Австриядан Совет Иттифоқига ва СССРдан Австрияга турли юкларни ташишни такомиллаштиришдан иборатдир. Ўз навбатида бу мамлакат Совет Иттифоқи орқали Япония, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига ҳам юклар ташиб беришни мўлжалламоқда.

Венада Совет Иттифоқилик 5 ва австриялик 17 мутахассис ишламоқда. Совет Иттифоқининг «Асотра»даги вакили Лев Волков-Даниловнинг айтишича, иккала мамлакат мутахассислари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

— «Асотра»нинг бош мақсади, — дейди «Союзвнештранс» раиси В. С. Жинкич, — юк ташишни арзонлаштиришдир. Бу жамиятнинг ташкил этилиши Европа марказидаги унча катта бўлмаган мамлакат билан алоқаларимизни янги сифат босқичига кўтаради.

СССР ва Австрия ўртасидаги юк оборотн ўтган йили 1 миллион 540 минг тоннани ташкил этди. Ўз-ўзидан маълумки, юк ташишни арзонлаштириш, маҳсулот жўнатаётган мамлакатга ҳам, айни вақтда қабул қилиб олаётган ташкилотларга ҳам катта наф келтиради. Шубҳасиз, «Асотра» жамиятининг хизмати бунда катта бўлади.

Б. КАЙМАКОВ,
АПН мухбири.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Умумҳиндистон тасвирий санъат ва ҳунармандчилик жамияти залида фотовиставка очилди. Бу виставкани 9 социалистик давлат — Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Куба, Монголия, Чехословакия ва Польша ташкил этди. Виставка социалистик мамлакатлар билан блокларга қўшилмаган давлатлар ўртасидаги самарали ва кўп қиррали ҳамкорлик тўғрисида ҳикоя қилади. Социализм мамлакатларининг ривожланаётган давлатларга бераётган дўстона ёрдами натижасида 3000 дан ортиқ объект — пўлат эритиш заводлари ва тўқимачилик фабрикалари, электр станциялар ва ўқув юртлари қурилди ёки қурилмоқда.

Республика президенти Ф. А. Аҳмад виставкани тантанали очиш маросимида сўзлаган нутқида бундай деди: виставканинг очилиши Ҳиндистон — Совет муносабатлари тарихидаги шонли сана — Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кунинг 5 йиллиги байрами билан бир вақтга тўғри келди.

Социалистик давлатларнинг ҳамкорлиги блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, уларнинг мустақил прогрессив тараққиёт йўлидан олга қараб муваффақиятли ҳаракат қилиб боришларига самарали таъсир кўрсатаётганлигини яққол исбот этувчи бу виставка Ҳиндистоннинг турли штатларида ва иттифоқ территорияларида кўрсатилади.

КОЛОМБОДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

КОЛОМБО, 11 август. (ТАСС). Бугун Коломбода блокларга қўшилмаслик ҳаракати қатнашчилари бўлган мамлакатлар ташки ишлар министрларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишида 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқдалар. Бу кенгаш шу ерда 16 август куни ўз ишини бошлайдиган блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари конференцияси арафасидаги сўнгги тайёргарлик босқичидир.

Министрлар сиёсий ва иқтисодий резолюцияларнинг лойиҳаларини, шунингдек бошқа ҳужжатларни муҳокама қиладилар. Министрлар кенгаши тўрт кун давом этади.

МАОЧИЛАР РЕАКЦИЯ БИЛАН ҚЎШИЛИБ КЕТМОҚДАЛАР

Мамлакат ичкарисида халқ манфаатларига зид ва социализмга қарши сиёсатни ўтказаётган Мао Цзэ-дун ва унинг группаси ташқи сиёсат соҳасида 180 градус бурилиб кетди, дейилади «Международная жизнь» журналининг 1976 йил 8 сонида эълон қилинган «Маоизмнинг аччик мевалари» сарлавҳали мақоласида. Улар пролетар интернационализми принципларидан юз ўгирдилар, социалистик ҳамдўстликка карши ошкора кураш йўлига ўтиб олиб, шу максадда Советларга карши жамики реакцион кучлар билан бирлашиб кетдилар.

Буюк давлатчилик — шовинистик муддаоларни кўзловчи маоизмнинг сиёсати ва идеологияси реакцион куч бўлиб, социалистик ҳамдўстликкагина эмас, шу билан бирга жаҳон коммунистик ва миллий озодлик харакатига, бутун дунё халкларининг тинчлиги ва хавфсизлиги ишига тахдид килмокда. Маоизмнинг жаҳон социализм системасига нисбатан реакцион сиёсати унинг социалистик мамлакатлар кардошларча иттифокини парчалаб ташлаш йўлидаги уринишларида намоён бўлмокда.

Совет Иттифоки жаҳон социализмининг жипслаштирувчи кучи эканлигини тушунган маочилар ўзининг асосий зарбларини Советлар мамлакатига бериш ва интилмоқдалар, деб таъкидлайди журнал. Хитойни «дунё хокимия»га айлантиришга интилиш Хитой рахбарлари сиёсатининг асосий максади, бўлиб колган. Шу боисдан ҳам Пекин ўтказаётган ҳозирги сиёсат, аввало СССР билан АҚШни ағдуриб ташлаш, янги жаҳон урушини чикаришга каратилган. Хозир Хитой халкаро кескинликни юмшатишнинг энг актив душманига айланди, деса бўлади.

Журнал шуни қайд этадики, маочилар ўз сиёсатларини ўтказганда империалистик реакцияга, Ғарбнинг ҳарбий-саноат комплекслари билан, капиталистик мамлакатларнинг милитаристик ва реваншчи кучлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга умид боғламоқдалар.

Пекин раҳбарлари ХХРнинг ташқи савдосини ва иқтисодий алоқаларини капиталистик дунёга қаратдилар, 1973 йилда мамлакат бутун ташки савдо оборотининг 63 процентини капиталистик мамлакатларга, атиги 13 процентн эса хамма социалистик мамлакатларга тўғри келди. Маочилар энг катта империалистик давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириб, шу тарика ХХРнинг ҳарбий-иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

ХХР вакиллари БМТда қарийб беш йил иштирок этиш давомида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган биронта амалий таклифни ўртага қўймадилар. Аксинча, улар кескинликни юмшатиш ва халклар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида бошка мамлакатлар бошлаган ғашаббусларга тўсқинлик қилишга зўр бериб уриндилар. ХХР куролланиш пойгасига оид, айникса, ялпи кирғин куролини чеклашга доир биронта халқаро битимни имзоламаган бирдан-бир катта давлатдир. Маочилар «битимлар ва ҳуқуқ ҳавоси ҳужжатлардан бошка нарса эмас», деган гапни айтиб, халқаро ҳуқукка кибр-ҳаво билан андишасизларча караб, сурбетлик килмоқдалар. Улар давлатлараро муносабатларда куч ишлатмаслик принципи халкаро ҳуқук нуктаи назаридан эътироф этилишига қаршилик қилмоқдалар.

Улар қўшни давлатларнинг территориясини даъво қилиш билан бирга, территориал масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этиш принципини писанд қилмай, куч ишлатиш йўлига ўтмоқдалар. Маочиларнинг Ҳиндистон билан, Совет Иттифоқи билан чегаралардаги ҳарбий ифвогарликлари, Жанубий Хитой денгизидаги оролларни зўравонлик билан босиб олганлиги ва шу кабиларни бунга далил қилиб келтириш мумкин.

Эндиликда маоизм уруш хавфини билдирадиган бир нарсага, кескинликни юмшатишнинг хатарли душманига айланиб колди. 1976 йил арафасида урушни ошкора мадх этган Мао Цзэ-дунннинг ўзи Хитойдаги милитаристик сиёсатнинг илхомчиси бўлиб қолди. Шарти кетиб, парти колган «буюк даргага дунё: «тўпларнинг ўти самони ловилдатиб», ер юзи ўйдим-чуқурга айланиб... бутун дунё остин-устун бўлиб бораётгандек туюлади.

Социалистик ҳамдўстликка душманлик сиёсатини ўтказаётган ҳозирги Хитой жаҳон коммунистик ҳаракати билан умуман алокани узиб, кучинчи дунё» мамлакатларига нисбатан тутуриксиз сиёсатбозлик қилаётганлигини, капиталистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга жонжаҳди билан интилаётганлигини ҳисобга олсак, Хитой раҳбарларининг НАТОни қўллаб-қувватловчи ошкора гапларининг, Европа ва Осиёда Америка қўшинларини саклаб колиш тўғрисидаги талабларининг ҳакиқий мохиятини, Хельсинкидаги кенгаш якунларига ва халкаро кескинликка ашаддий салбий назар билан караётганлигини ҳисобга олсак, муайян давшида шундай хулоса чикариш мумкин: ҳозирги шароитда Мао Цзэ-дун ва унинг якинлари сиёсати империализм резерви ва гумаштаси бўлиб қолди.

(ТАСС).

битказилди ёки фойдаланишга топширилди.

Совет мамлакати маориф соҳасидаги тажрибасини бажонидил ўртоқлашмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда СССР ҳамкорлигида 140 дан зиёд муассаса — институтлар, техникумлар, техникавий ва ўрта ўқув юртлари бунёд этилди ва бунёд этилмоқда. Шулардан 90 таси ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларга юқори малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда.

Социализм дунёсининг ривожланаётган мамлакатларга ўз намуна кучи билан таъсири жуда каттадир. Бу ҳол ривожланаётган мамлакатларнинг қўйчилиги миллий экономикани план асосида ривожлантириш, экономиканинг давлат секторини ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқаётганликларида айниқса яққол кўринмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар экономикаси юксалиб боришининг муҳим воситаси халқ хўжалигини индустриалаштириш методи бўлиб, бу жиҳат жаҳон социализм системасининг фазилатидир. Қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш тажрибасини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Социализм намунаси таъсирида нокапиталистик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда социал соҳада анча ютуқларга эришилди, бошқарувнинг турли хил демократик формалари вужудга келмоқда.

Халқаро империализмга қарши курашда социализм дунёсининг таъсири ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида — экономика, сиёсат, идеологияда тобора кўпроқ сезилаётир.

В. И. Ленин социализмнинг жаҳон революцион жараёнига таъсирининг асосий дастури хўжалик қурилишидир, деб таълим берган эди. Эндиликда жаҳон социализм системаси кишилик жамияти тараққиётининг боришига экономика, фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари билан айниқса катта таъсир кўрсатмоқда.

Социалистик мамлакатлар, хусусан Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар саноат ишлаб чиқаришини юксак суръатлар билан ривожлантирмоқдалар. Мазкур кенгаш аъзоси бўлган мамлакатлар саноати ўтган беш йил ичида ривожланган капиталистик мамлакатлар саноатига нисбатан тўрт баравар кўп ўсди. 1975 йилда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари «Умумий бозор» мамлакатларидагига нисбатан икки баравардан кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида Совет Иттифоқи ривожланган капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий мусобақада олга томон янада илгарилаб кетди. Мамлакатимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йилига ўрта ҳисобда 7,4 процент кўпайди. Баҳолонки, бу рақам Америка Қўшма Штатларида, «Умумий бозор» мамлакатларида 1,2 процентни ташкил этади.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари империализмга қарши курашда ва жаҳон сиёсати доирасида ҳам асосий куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Ҳозирги замон шароитида жаҳондаги кучлар нисбати социализм фойдасига тобора ўзгариб бораётганлиги туфайли тинч-тотув яшаш принципи халқаро ҳаёт нормасига айланиб бораётганлиги тенденциясига асос солинди. Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципини амалга оширишда КПСС, унинг Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тинчлик программасини амалга ошириш борасидаги роли жуда ҳам каттадир.

ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИ ташқи сиёсат соҳасида янги конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисобот докладидаги халқаро муносабатларда куч қўлланмаслик тўғрисида жаҳон миқёсида шартнома тузиш борасидаги таклифи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Съездда ташқи сиёсат соҳасида аниқ белгилаб берилган вазифаларни совет кишилари ҳақли равишда партия XXIV съезди томонидан илгари сурилган Тинчлик программасининг давоми ва унинг ривожлантирилиши, халқаро ҳамкорлик, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бориладиган курашнинг давоми деб билмоқдалар.

Жаҳон социализм системасининг империализмга қарши курашдаги етакчилик роли маънавий ҳаёт соҳасидан ҳам ўз ифодасини топмоқда. Социализм халқаро империализмга қарши кенг идеологик ҳужумни давом эттирмоқда. Шу кураш натижасида монополистик буржуазиянинг идеологик мавқеига катта путур етказилди. Социализм душманлари ҳаёт томонидан қўйилган проблемаларга жавоб берувчи позитив идеологик программани илгари суришга қобилиятсиз эканликларини амалда кўрсатдилар.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳамма жойларида кенг меҳнаткашлар оммасининг социализм ғояларига ҳамда КПСС ва бошқа социалистик мамлакатларнинг реал тажрибасига қизиқиши кун сайин кучайиб бормоқда. Социализм ғояларининг меҳнаткашлар оммаси онгига тобора чуқур сингиб бораётганлиги антикоммунизм идеологларини ўз концепцияларини янги шароитга мослаштиришга мажбур этмоқда.

Илмий социализм ғояларининг кенг ёйилишида қардош Коммунистик партияларнинг сиёсий адабиётларни нашр этиш бобидаги фаолияти ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Марксизм-ленинизм классиклари асарлари тобора кўплаб нашр этилмоқда. Эндиликда В. И. Ленин асарлари бутун дунёда янада чуқур ўрганилмоқда. Бу асарлар 125 тилда, 63 мамлакатда нашр этилмоқда. В. И. Ленин асарлари 63 мамлакатда илғор ғояларни тарғиб этувчи адабиётлар ичида биринчи ўринни олиб келмоқда. Барча қитъадаги миллион-миллион кишилар яшаш ва курашни шу асарлардан ўрганмоқдалар.

КПСС XXV съезди идеология ходимлари олдига социалистик жамият, совет турмуш тарзи, мамлакатимизда коммунизм қурилиши тўғрисидаги ғояларни тарғиб этувчи асарларни миллионмиллион кишилар қалбигэ етказиш вазифасини қўйди. Ҳозирги вақтда «Новости» матбуот агентлиги йўли билангина 56 тилда 11 та газета, 51 журнал, 187 та пресс-бюллетень нашр этилмоқда. АПН айни вақтда ҳар йили чет тилларда 20 миллион нусхадан кўп китоб ва брошюра чиқармоқда.

Социализм идеаларини кенг ёйишда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг капиталистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар билан кун сайин ривожланиб бораётган маданий ва илмий алоқаларга катта роль ўйнамоқда.

Эндиликда марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётий кучини ғоявий муҳолифларимиз ҳам эътироф этмоқдалар. «Марксизм-ленинизмга оид китобларнинг ҳаммаси ёндириб ташланганда ҳам,— деди машҳур Америка юристи У. Дуглас, — унда баён қилинган ғоялар барибир яшайверади ва халқлар... шу дунёқарашни дилларига жо қилиб яшайверадилар». Кўп йиллар давомида ленинизмни рад этиб келган ашаддий антикоммунист А. Мейер бундай деб эътироф этади: «Дунёдаги ҳозирги аҳволни тушуниб етишда ленинизмнинг муҳимлиги исбот талаб этмайди. В. И. Ленининг — рус революцияси лидерининг ғоялари бизнинг кунларда миллионларнинг қалбидан жой олганлиги шак-шубҳасиздир».

Бизнинг давримизда бутун дунё КПСС XXV съезди томонидан илгари сурилган социал-иқтисодий тараққиёт ва улуғвор Тинчлик программаси таъсири билан яшамоқда. Бу программани амалга ошириш бутун жаҳон революцион жараёнига революционлаштирувчи таъсир кўрсатмоқда, социализм дунёси замонамизнинг асосий революционлаштирувчи кучи эканлигидан иборат тарихий ролини муваффақиятли бажараётганлигининг янги тасдиғи бўлмоқда.

М. П. НОВИКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ИНСОН ТАҚДИРИ

ДИЙДОР

Инсон ҳаётида шундай кунлар бўладики, уни бир умр эсдан чиқармайди. У кунларни беихтиёр эслासанг, бутун тарих тилга киргандай туюлади. 1941 йилнинг мудҳиш хабари барча қатори Юсуф ака Оллаёровни ҳам катта ташвишга солиб қўйди. У 1942 йилнинг октябрь ойида кўнгиллилар қаторида фронтга отланди. Қишлоқда 3 ўғли, бир қизи ва рафиқаси Момогул опа уни кўзда ёш билан кузатиб қолдилар. Ушанда Рўзи — 10, Холмўмин — 8, Ойзира ва Абраҳмат ҳам она сути оғзидан кетмаган гўдак эди.

Орадан икки йил ўтгач, 1944 йилнинг декабрь ойида Юсуф акадан «қора хат» келди. Момогул опа ҳозирги Жданов номли колхоз далаларига чиқиб меҳнат қиларди. Лекин оила бошига тағин мусибат тушди. 1945 йилнинг охирида Момогул опа тўсатдан вафот этди. Она азаси ҳали ёшлар қалбидан чиқар-чиқмас тўнғич фарзанд Рўзи ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Ота-онасиз қолган уч гўдакни М. Горький номли 8-ўрта мактабининг ўқитувчиси Аваз ака Ҳамроев ўз қарамоғига олди. Сўнг уларни райондаги 5-интернат мактабга топширди. Кўп ўтмай, интернат мактаб тугатилиб, ундаги ўғил ва қизларни Хайробод қишлоқ Совети қошидаги болалар уйига жўнатишди. Кейин Холмўмин ва Ойзира Сариосиё районидаги, Абраҳмат эса Бойсун районидаги болалар уйига юборилди.

Холмўмин ва Ойзира бир жойда бўлишса-да, бошқа-бошқа группаларга ажралиб, бир-бирини йўқотиб қўйишди. Шундан сўнг ака-укалар узоқ дийдор кўришолмай юрдилар.

Орадан кўп йиллар ўтди. Ушанда экилган ниҳол улғайиб мева тугди, ер кўксига қадалган чинорлар ўсиб, соя солди. Қанча сувлар оқиб ўтди.

Абраҳмат Юсупов Шўрчи районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси Абсалом ака билан тўсатдан йўлда танишиб қолади. Улар қариндош-уруғлари ҳақида суҳбатлашиб бораркан, Абраҳмат ўз тарихини айтиб беради. Туғилган қишлоғи Оққўрғонни тилга олиб, Маматқобилбой, Авазбой деган қўшниларини эслади. Ниҳоят А. Ҳамроев М. Дониёров, К. Асадуллаевлар ёрдамида жигарбандлар — Холмўмин, Ойзира ва Абраҳматлар бир-бири билан дийдор кўришишди.

Холмўмин Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида механизатор бўлиб ишламоқда. Ойзира эса Шўрчи районидаги Охунбобоев номли колхознинг «Озод» участкасида истиқомат қилади. Унинг 8 фарзанди бор. Абраҳмат эса Денов районидаги «Москва» колхозида тракторчи бўлиб ишлайди.

Ҳа, уруш касофати билан тўзғиган оиланинг уч фарзанди узоқ айрилиқдан сўнг, орадан 31 йил ўтгач қайта дийдор кўришишди. Ака-ука ва сингил кўзидаги соғинч ва меҳр ёшларини кўриб ўйлаб қолади киши: «Эҳ, касофат уруш, қанчадан-қанча марҳум юраклар билан бирга нелне тирикларнинг қалбига ҳам жароҳат муҳрини босиб кетгансан...».

А. ҲАМРОЕВ,
Сурхондарё области.

Қувноқ пионер ёзи ҳам охирламоқда. Кўп ўтмай тоғлар қўйнида, соя-салқин боғлару денгиз бўйида жойлашган лагерлар, ороғоҳларда мириқиб дам олган, қуёш, ҳаво, сувдан баҳраманд бўлиб, кучига-куч қўшган минглаб болалар жонажон мактабларига қайтадилар. Фарғона водийсидаги лагерларда ҳам қанчадан-қанча пионерлар дам олишди. Биргина «Орлёнок» лагерида тўқимачилик комбинати ишчиларининг мингдан ортиқ фарзанди ҳордиқ чиқарди. Суратда: «Орлёнок» лагерида дам олаётган болалар.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОТАХОН ҲИММАТИ

Шофирқон районининг К. Маркс номли колхозида истиқомат қилаётган пенсионер отахон, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Деҳқонбобо Файзиев БАМ қурувчиларининг болалар боғчасига 370 килограмм асал жўнатди.

Деҳқонбобо Файзиев КПСС тарихий XXV съезди давом этаётган кунлари Москвага хат ёзиб, партиямиз олий анжуманн иштирокчиларига 800 килограмм асал совға қилиш истагини билдирган эди. Чунки отахоннинг шахсий қарамоғида 45 та асалари оиласи бўлиб, уларден олинаётган маҳсулот ўз эҳтиёжидан ортиқчалик қиларди.

Кўп ўтмай, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан жавоб хати келди. Хатда, олийҳиммат отахонга миннатдорчилик билдирилиб, асални Байкал—Амур магистрали қурувчиларининг фарзандларига юбориш кераклиги билдирилганди.

Собиқ фронтовик, ватанпарвар отахон шундай қилди. Яқинда, Деҳқонбобо Файзиев Когон темир йўл станциясидан 370 килограмм асални контейнерларга жойлаштириб БАМга жўнатди.

— БАМ қурувчиларининг фарзандларига тағин 430 килограмм асал етказиб бераман, — дейди отахон — эрилиқдан зарар кўрган Газли посёлкаси бунёдкорларига эса, 100 килограмм асал жўнатиш ниятидаман.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАРШИ—ЛЕНИНГРАД ПОЕЗДИ

Қашқадарё область меҳнаткашлари ажойиб совға олдилар. Эндиликда область маркази — Қарши шаҳридан тўғри Ленинград шаҳрига поездда бориш имконияти яратилди.

Қарши билан Ленинград шаҳарлари ўртасида пассажир поезди қатнови йўлга қўйилиб, йўловчиларга катта қулайлик яратилди. Қарши — Ленинград поезди ҳар ҳафтанинг биринчи кунлари йўлга чиқади.

МОСКВА МОРОЖЕНОЕСИ

«Узмясорибторг»нинг Қарши шаҳридаги холодильниги адресига Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳридаги 8-музлатиш комбинатида тайёрланган пломбир ва қаймоқли мороженоелардан 92 тонна келтирилди.

Қарши холодильниги билан Москвадаги 8-музлатиш комбинати коллективи ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, бу икки корхона бир-бирига турли товарлар юбориб туради. Қарши холодильниги коллективи шу йилнинг биринчи кварталида Москвадан икки вагон мороженое қабул қилиб олган эди. Шу кунларда ҳам Қарши шаҳридаги кўча ва ҳиёбонларда, павильонларда Москва мороженоеси сотиляпти. Пойтахтдаги 8-музлатиш комбинатининг маҳсулоти чўлқуварлар маскани аҳолисига манзур бўляпти. Август ойи ичида яна 100 тонна мороженое олиб келиш кўзда тутилган.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОЛХОЗ МУЗЕЙИ

Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозида меҳнат шуҳрати музейи учун бино барпо этишга киришилди. Бўлажак музей биносининг лойиҳасини «Рассом» комбинатининг мўйқалам устаси П. Аверенко яратган.

Музейнинг биринчи қавати колхоз қишлоғининг Октябрь инқилобигача бўлган даврини акс эттирувчи турли экспонатлар билан тўлғазилади — ўша даврнинг либослари, уй-рўзғор буюмлари, деҳқончилик иш қуроллари ўрин олади. Шунингдек, қишлоқ аҳли музейда коллективлаштириш йиллари, босмачиларга қарши кураш, хотин-қизлар озодлигини акс эттирувчи диаграммалар, расмлар, фотолавҳалар ва ракамлар билан танишадилар. Шу куннинг ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига алоҳида ўрин ажратилади.

Музейга қўйиладиган экспонатларни жойлаштириш ишларини рассомлар О. Жихарев билан А. Макаровскийлар макет ёрдамида «хомчўт» қилиб кўришди. Бино атрофи кўкаламзорлаштирилиб, ўзига хос истироҳат масканига айлантирилади. Колхоз музейининг ҳар томонлама кўркам бўлишида рассомлар К. Башаров ва Э. Келантаровлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. **Суратда: колхоз музейи макети.**

А. НИЁЗОВ,
Автор фотоси.



СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

АВТОБУС ТЎЙГА КЕТДИ...

Эрта тонг. Ҳамма ишга шошиляпти. 19-маршрут бўйлаб юрадиган «71-10 ТНЖ» номерли автобус етиб келиши билан одамлар шошилиб чиқишди. Ҳамма жойидан кўчиб кетган эшик олдидаги тутқичдан ўзини эҳтиёт қилар, машина силкинганда тутқичнинг келиб урилишидан қўрқарди.

— Шундай шалоқ автобусни маршрутга чиқаришадими? — деди жаҳли чиққан йўловчилардан бири.

— Бунга биз айбдор эмасмиз, — жавоб қилди машина ҳайдовчиси.

— Автобус бекатга кечикиб келса, унга 50 киши ўрнига юз киши чиқади. Автобус резина эмаски...

Бундай гапларни эшитишингиз бежиз эмас. Тошкент шаҳар пассажирлар ташиш автомобиль бошқармаси маршрутларга шалоқ автобусларни ҳам чиқаряпти. Бундай автобусларнинг йўловчиларга намунали хизмат қилиши қийин. Кўп ўтмай бирор жойи бузилиб қолади, яна автопаркка равона бўлади.

Шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш шаҳар хўжалигининг асосий проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда. Аҳолиси сони бир ярим миллионга етган Тошкент ҳар куни минг-минглаб меҳмонларни қабул қилиб олади. Олий ўқув юртларига кириш учун минглаб абитуриентлар Тошкентга келишди. Шунинг учунми, транспорт хизматидаги камчиликлар кўзга ташланиб қолди. Автобуслар бекатларга кечикиб келмоқда, йўловчилар трамвай ва троллейбусларнинг келишини кутиб бекатларда турибқолмоқда. Хўш, нима учун шундай бўляпти?

Шаҳар пассажир транспорти меҳнаткашларнинг талабларига тўла жавоб бермаётгани аллақачондан бери маълум. Буни тегишли министрлик ва шаҳар ташкилотлари ҳам яхши билишади. Пассажир транспорти ишини янада яхшилаш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни кўчайтириш мақсадида республика Автомобиль транспорти министрлиги, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум тадбирларни ишлаб чиқдилар. Министрлик белгилаган тадбирларга мувофиқ, 1976 йил апрелида ҳар куни Тошкент шаҳар маршрутларига 900 та автобус чиқарилиши керак эди. Тўртинчи кварталда автобуслар сони 950 тага етказилиши керак. Лекин бу тадбирлар муддатида бажарилмади. Ҳозир ҳар куни шаҳар меҳнаткашларига 900 ўрнига 860-870 автобус хизмат қиляпти.

Мана, тошкентликларга хизмат кўрсатиши зарур бўлган 2519-автоколоннадаги аҳвол. Бу ерда 238 та автобус бор. Планга мувофиқ ҳар куни 132 таси йўлга чиқиши керак. Аслида эса, автоколонна ҳар куни 100 та атрофида автобус чиқаряпти. Бунинг сабабларини суриштирганимизда 50 та автобус ҳайдовчи йўқлиги сабабли бекор турганн аниқланди.

Айрим автобус ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги, ўзбошимчалик билан иш тутиши йўловчиларга қимматга тушмоқда. Айрим автобус ҳайдовчилари эса меҳнаткашлар олдидаги ўз бурчларини унутиб, мўмай пул топиш мақсадида давлат автобусидан фойдаланмоқдалар.

Ҳозир бекатларда автобус кутиб турганлар билан гаплашсангиз, қизиқ ҳангомаларни эшитасиз.

— Автобуснинг ҳар ўн минутда қатнаб туриши бекатдаги тахтачага ёзиб қўйилибди-ю, ярим соатдан бери дараги йўқ, — дейди бир йўловчи.

— Хозир нима кўп —тўй кўп. Автобуслар ҳам тўйга кетиб қоляпти.

Йўловчининг гапи тўғрилигини давлат автоинспекцияси ходимлари фактлар билан тасдиқлаб беришмоқда. 3-автобус паркига қарашли «34-37 ТНЖ» номерли «ЛАЗ-695» автобусининг шофери Перит Адельсеитов 27 июль куни бекатларда кутиб турган йўловчиларга эмас тўйга хизмат қилаётганда қўлга тушди. Тошкент пассажир автотранспортига қарашли 7-автопаркдан «80—06 ТНЖ» номерли машина, 12-автопаркдан «57-76 ТНД» номерли машина (ҳайдовчиси А. С. Фролов,) шу автопарк-дан «80-13 ТНЖ» номерли автобус (ҳайдовчиси Ғ. С. Сарсонбоев), 1-автопаркдан «56-50 ТНЖ» номерли автобус ва бошқа транспорт воситалари тўйга хизмат қилаётганда рўйхатга олинди.

Тўйма-тўй юрган бундай «учарлар» орасида «ГАЗ-24» такси машиналарининг шофёрлари ҳам кўп. 1-автокомбинатдан А. Аблаев, 2-автокомбинатдан Х. Азимов, И. Сусарин, Ю. Батанов ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатиш ўрнига карнай-сурнайлар садоси-ю, сигнал билан шаҳар кўчаларини бошига кўтарганда ГАИ ходимлари қўлига тушишди.

Шуниси қизиққи, давлат машинаси билан тўйларга хизмат қилиб пул топаётган ҳайдовчилар орасида республика Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли автобаза шофёрлари ҳам учраб турибди. Ҳатто шу автобазанинг «29-74 ТНЖ» номерли «Тез ёрдам» автомашинаси ҳам карнайчилар билан шаҳарни бошига кўтариб кўчама-кўча юрган.

Мана, Тошкент шаҳар кўчаларида йўловчилар транспорт келишини кутиб, узоқ туриб қолишларнинг сабабларидан бири. Бу фактлар транспорт ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетганлигини кўрсатиб турибди. Автобаза ва автопарклларнинг партия ташкилотлари бундай нуқсонларга хотима бериш учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни кучайтириш чораларини кўришлари керак.

Кези келганда электр транспорти йўловчиларга қандай хизмат қилаётганини ҳам гапириб ўтайлик. Шаҳар Совети ижроия комитетининг йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан белгилаган тадбирларида шу йилнинг 15 февралига қадар маршрутларга эрталаб 260 трамвай, 235 троллейбус чиқишини таъминлаш кўзда тутилган эди. Бу муддат аллақачон ўтиб кетишига қарамай, шу кунларда йўловчиларга 245-255 трамвай хизмат кўрсатяпти. Лекин уларнинг баъзилари техник сабабларга кўра трамвай деполарига қайтиб кетишга мажбур бўлмоқда. Кечқурун меҳнаткашлар ишдан чиққан пайтда эса маршрутларда 200 та ўрнига 170-180 та трамвай қолаётир.

Ноябрь ойида ҳар куни эрталаб 282 та трамвайнинг йўлга чиқиши белгилаб қўйилган. Лекин ҳозирги аҳвол бу тадбирнинг ҳам бажарилиши гумон эканлигини кўрсатиб турибди. Чунки вагон ремонти заводи трамвайлар учун эҳтиёт қисмларни вақтида етказиб бермаётир. Деполарда ремонтчи слесарлар етишмайди. Шу сабабли 2-трамвай депосида ҳозир ҳар куни 95 та ўрнига 84-85 та трамвай маршрутга чиқмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пассажир транспорти хизматини яхшилаш мақсадида трамвай ва троллейбус деполарига оталиқ ёрдамини йўлга қўйиш белгиланган эди. Афсуски, «Ташсельмаш» заводи. Тошкент темир йўл вагонлари депоси ва бошқа оталик ташкилотлари ишчиларга хизмат кўрсатаётган транспорт ташкилотларига уларнинг ишини яхшилашда бирор амалий ёрдам кўрсатганлари йўқ.

Ҳадемай ёнингарчилик фасли бошланади. Шаҳар меҳнаткашлари тегишли ташкилотлардан қишга пухта тайёргарлик кўришни, пассажир транспорти хизматини тубдан яхшилашни кутмоқдалар.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
А. МАННОПОВ,
Р. ҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

СПОРТ

СТУДЕНТЛАР БАҲСИДА

Бутуниттифоқ студентлар ўйинларининг финал қисми давом этмоқда. Теннисчилар баҳси ниҳоясида республикамиз вакилларидан Сорокотяга — И. Семакиналар жуфт бўлиб ўйнашда иккинчи фахрли ўринни эгаллашди. Теннисчиларимиз команда ҳисобда учинчи бўлдилар. Классик нураш устаси, тошкентлик студент Комил Фатхулиннинг чиқишлари эътиборга лойиқ, у Киевдаги беллашувларда голиблик қилди. Баскетбол бўйича Тошкент жисмоний тарбия институти қизлари юқори натижаларга эришишяпти. Енгил атлетика бўйича баҳслар эса, кейинги ҳафтадан Киевда бошланади. Мазкур мусобақа олдидан «Буревестник» спорт жамияти Бутуниттифоқ биринчилиги ўтказилди. Бунда вакилларимиздан Г. Хабибуллина баландга сакрашда 1 метру 78 сантиметр натижа билан спорт мастери нормативини бажарди.

МУТЛАҚ БИРИНЧИ

Монреаль олимпиадаси мусобақаларининг якуний жадвали эълон қилинди. Жадвалда қайд қилинишича, олимпиадада иштирок этган социалистик мамлакатларнинг вакиллари программа бўйича спортнинг 24 туридан 14 тасида биринчиликни эгаллашган. Совет спортчилари эса, ҳам очколар (788,5), ҳам медаллар (125) ҳисобида пешқадамлик қилишди. АҚШ командаси спортнинг 5 тури бўйича ўтказилган баҳсларда голиб келган бўлса, Ватанимиз йигит-қизлари 8 марта (эркин ва классик нураш, волейбол, гимнастика, байдарка ва каноэ, қўл тўпи, оғир атлетика, қиличбозлик) пешқадам бўлишди. Вакилларимиз спортнинг 11 тури бўйича фахрли иккинчи ўринни (АҚШ командаси 4 тури бўйича) эгаллаб жами 47 олтин, 43 кумуш, 35 бронза медалини қўлга киритишган экан, совет спортчиларининг ғалабалари мамлакатимизда спортга катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

ТОШКЕНТ КУПКУРАШЧИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР спорт комитети ва касаба союзлари кўнгилли спорт жамияти Бутуниттифоқ Совети «Комсомольская правда» газетаси соврини учун ГТО кўпкураши бўйича мамлакат биринчилигининг финал мусобақасини Тошкентда ўтказишга қарор қилдилар. Ҳал қилувчи баҳсларни ўтказиш 28—31 октябрь кунларига мўлжалланган. Финал мусобақанинг бош судьялик коллегияси ҳам тасдиқланди. Бу сафар ҳам икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт учувчи, ГТО комплекси бўйича Бутуниттифоқ Совети Раиси А. А. Леонов мусобақага раҳбарлик қилади.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Қўриқ ерларда чўзилиб кетган Жиззах областининг тўқизта совхозида янги молхоналар қурилди. Бу молхоналарнинг ҳар бири 200 бош сигир боқиш учун мўлжалланган бўлиб, улар Тошкентдаги саноат корхоналари ва қурилиш коллективларининг оталик ёрдами йўли билан қурилган. Бу молхоналар ана шу хўжалиқда барпо этилаётган чорвачилик комплексини составига киради.

«Узкоопстроймонтаж» трестининг, «Компрессор» заводининг ва 126-автобазанинг коллективлари жиззахликларга берган ваъдаларини биринчилар қаторида бажардилар.

«Главташкентстрой» олтинчи трестининг, «Тошкент» ёғочсозлик бирлашмасининг ва 2521-автобазанинг ходимлари «Ўзбекистон» совхозида молхонани қисқа муддатларда қуриб бердилар. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
14 АВГУСТ СОАТ 19.30 ДА

М. КАОРУ асари — А. АБДУЛЛАЕВ таржимаси

«ЎҒИРЛАНГАН УМР»

3 пардали драма
(қайта ишланган варианти).

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, АБДУЛЛА ТУҚАЙ ва Ҳамза мукофотларининг лауреати Т. У. ХУЖАЕВ.

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ГИНЗБУРГ.

Касса соат 10.00 дан ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КУРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

СПОРТЛОТО

1976 ЙИЛ 14 АВГУСТДА 36 ТАДАН 5 ТАСИГА «ШАНБА СПОРТЛОТОСИ»

СПОРТ-СОН ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ТИРАЖИ БЎЛАДИ

«ШАНБА СПОРТЛОТОСИ»ДА ОЛИМПИЯ КОМПЛЕКСИГА КИРУВЧИ 36 СПОРТ ТУРИ ЎЙНАЛАДИ.

КАРТОЧКА БАҲОСИ 60 ТИЙИН ТУРАДИ ВА БИР КУНДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ИККИ ТИРАЖДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРАДИ.

Биринчи ёки иккинчи тираж натижалари бўйича 5 та, 4 та ёки 3 та сон (спорт тури) чиққан карточкалар ютган деб ҳисобланади.

ЮТУҚЛАР 3 СЎМДАН 5000 СЎМГАЧА



Маълумки, аллақачонлар «Спортлото»га ўрганиб қолганмиз. Ҳар чоршанба кунини, тираж чиқишини кутамиз. «Лототроннинг 49 номердан умидбахш олти номерни холисона ютуқ тахтасига чиқариб ташлашини сабрсизлик билан кутамиз. Маҳодо, агарда 5 та рақамни таналш лозиму, рақамлар умумий сони 36 тагина бўлса-чи? Бунинг устига устак тираж дам олиш кунларининг бирида — шанба куни ўтказилса-чи? Келинг, топишмоқлар билан ўзимизни банд этмайлик. Шу йил 14 август шанба кунидан бошлаб «Шанба спортлотоси» ҳаётга биринчи қадам ташлайди.

Бу 36 номердан 5 таси энг бахтли ҳисобланадиган лотереядир.

«Спортлото», «Спортлото-2», «Шанба спортлотоси»... улар ўртасидаги яқинлик нимада? Ва нима билан улар бир-биридан фарқ қилади? Аввало уларнинг ҳаммаси ўша-ўша спорт-сон лотереяси, фақат энди уларнинг номи учта.

«Шанба спортлотоси» тиражи «Спортлото-2» сингари бир кунда ўтказилади. Шу сабабли карточканинг баҳоси 60 тийин.

Янги лотереянинг ютуқ фонди биринчи ва иккинчи тираж-лар ўртасида теппа-тенг иккига бўлинади.

Лотереялар ютуқ фондининг тақсимланишида фарқ қилади. Сизга маълумки, «Спортлото» ва «Спортлото-2»нинг ютуқ фонди тўрт группага бўлинади. «Шанба спортлотоси» эса фақат учтага бўлинади. Биринчи группа ютуқ фондининг 20 процентини ташкил этади ва ундан беш номер топилган карточкаларга ютуқлар тўланади; иккинчи группа ютуқлар фондининг 30 процентини ташкил этиб, ютуқлар тўрт номерга тўланади; учинчи группа эса ютуқлар фондининг 50 процентини ташкил этиб, ютуқлар уч номерга тўланади. «Шанба спортлотоси»нинг «Б» ва «В» бўлакларини жўнатиш энг сўнгги муддати пайшанба куни соат 17 гача.

Спорт лотереяларининг ҳамма турлари — «Спортлото», «Спортлото-2», «Шанба спортлотоси» пуллик ҳисобланади. Уларнинг ютуқлар фонди реализация қилинган карточкалар умумий кийматининг ярмига тенгдир. Ютуқлар фондининг қолган иккинчи ярмидан эса жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадлари учун фойдаланилади.

Эслатиб ўтамиз, спорт лотереяси совет спортини ривожлантириш фондига ҳозиргача 190 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди. «Шанба спортлотоси» чиқа бошлаши билан бу ҳиссанинг салмоғи яна ҳам ортди. Спорт лотереяси 1980 йилда Москвада ўтказиладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол иштирок этади. «Спортлото» маблағларига кўпдан-кўп спорт комплекслари қурилади ва реконструкция қилинади.

Шундай қилиб, сиз «Спортлото», «Спортлото-2» ва «Шанба спортлото»си карточкаларини сотиб олиб, ўз бахтингизни синаб кўриш имкониятига эгасиз. Уч спорт лотереясидан қайси бири маъқулроқ? Балки бирданига учала ўйинда қатнашиш мумкиндир? Ҳа, айнан учаласида. Албатта уларнинг биронтасидан омадингиз келади — 3 сўмдан 5 минг сўмгача бўлган ютуқнинг эгаси бўласиз.

Лотереяда ҳаммасини тасодиф ҳал қилади, аммо агар сиз мунтазам ўйинда қатнашиб борсангиз, албатта омадингиз келиб қолади.

СПОРТДА СИЗГА ҒАЛАБАЛАР ВА «СПОРТЛОТО»ДА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

«СПОРТЛОТО» ЎЗБЕКИСТОН ЗОНАЛ БОШҚАРМАСИ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 13/VIII да Келинлар қўзғолони, 14/VIII да Ўғирланган умр.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Латвия ССР цирк артистларининг гастроллари. «УССУРИЙ ЙЎЛБАРСЛАРИ» аттракциони (19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Қора ботинкали новча киши; Новча кишининг қайтиши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11, 14, 17, 20), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Жаннат калити; Тоннель охиридаги нур — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20), «ВОСТОК» (10, 13, 16), «МОСКВА» (21), «ДРУЖБА» (11, 14, 15, 17.15, 20.15).

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 15, 18, 21).

Дарвеш ва ўлим — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Музика садолари — «ВОСТОК» (18.30, 22).

Афоня — «МОСКВА» (11, 12.30, 14, 16, 18, 19.30).

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективлари нашриёт ходими Т. Обидовга онаси

Ибодат ҲАЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦИ Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 03502. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 189.